



«TOSHKENT CITY» — ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЁНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни пойтахтимиздаги «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замонавий иншоотлар қурилиши билан танишди.



«Шарқ дарвозаси» дея таъриф бериладиган Тошкент шаҳрини яшаш учун қулай мегаполисга айлантириш, ҳудудда хизмат кўрсатиш, транспорт-логистика, бизнес инфратузилмаларини ривожлантириш йўлида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази ана шундай ноёб лойиҳалардан бўлиб, пойтахтимизнинг жаҳондаги энг замонавий ва кўркам шаҳарлар

қаторидан жой олишига хизмат қилади.

80 гектардан иборат халқаро ишбилармонлик марказида давлатимиз раҳбарининг аввалги таширфлари чоғида берилган кўрсатмалар асосида қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Бизнес марказлар, меҳмонхоналар, конгресс-холл, офислар, кўп қаватли тураржойлар, ресторанлар ва бошқа объектлар еттига лотга ажратилган ҳолда бунёд этилмоқда.

Президентимиз объект билан танишуни дунёнинг етакчи брендларидан бўлган беш юлдузли

«Hilton» меҳмонхонаси қурилишини кўздан кечиришдан бошлади.

Йигирма қаватли мазкур меҳмонхона энг замонавий қўлайликларни ўзида мужассам этади. Унда нуфузли анжуманлар ўтказиш учун заллар, ресторанлар, салонлар, бассейнлар қурилади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонхона биттаг, қандай қилишида бўлиши ҳақида тасаввур бериш учун намуна сифатида барпо этилган хона ва заллар билан танишди. Хоналар кўриниши, дизайнида ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиш, кайфиятни кўтарадиган ёрқин

ранглардан кўпроқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

«Hilton» меҳмонхонаси ёнида ишбилармонлик марказининг энг йирик иншоотларидан бири — конгресс-холл қурилмоқда. Унинг умумий майдони 33 минг метр квадратни ташкил қилади. Олий мартабали меҳмонлар иштирокида халқаро анжуманлар ўтказишга мўлжалланган конгресс-холл энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланади. Асосий учрашувлар ўтказиладиган залга қарийб тўрт минг киши сиғида.

Шавкат Мирзиёев конгресс-хол-

лни жаҳон стандартлари асосида сифатли қуриш, йирик делегацияларни қабул қилиш учун зарур қўлайликлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизга 7-лотда амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Ишбилармонлик марказининг ушбу ҳудуди Европа услубидаги сайилгоҳ, шунингдек, 7 ва 9 қаватли бинолардан ташкил топади. Биноларда қаввахона ва ресторанлар, савдо мажмуалари, таниқли брендларнинг дўконлари, тураржой ва меҳмонхоналар, офислар жойлашади.

Давлатимиз раҳбари «Gardens Residence» тураржой мажмуасини ҳам бориб кўрди. Намуна сифатида қурилган 2 ва 4 хонали уйлар, тайёр уйлари сотиш бўйича савдо офиси — «Dream City»да харидорларга яратилган шароитлар билан танишди.

Саккиз гектар майдонни эгаллайдиган ушбу комплекс тўққизта кўп хонадонли уйдан иборат бўлади. Уйлари лойиҳалашда барча замонавий жиҳатлар инобатга олинган. Кўп болали оилалар фарзандлари, ота-оналар ва меҳмонларга алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган.

Тураржой мажмуаларини лойиҳалаш ва қуришга аудит, консалтинг ва қурилиш соҳаларидаги машҳур хорижий компаниялар жалб этилган.

Мана шундай шароитда яшган одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгаради, янгича маданият шаклланади, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари «Toshkent City» нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги энг улкан ишбилармонлик ва тураржой масканига айланиши кераклигини таъкидлаб, уни замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида қуриш, бу ерда барпо этилаётган тураржой мажмуалари ва бизнес офислар ҳақида харидорларга кўпроқ маълумот тақдим этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИССИҚХОНА КОМПЛЕКСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳақиқий аҳвол таҳлили мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва хорижий давлатларга экспорт қилишда иссиқхона хўжалиқларининг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга тўққинлик қилаётган муаммолар сақланиб қолаётганидан далолат бермоқда.

Хусусан, иссиқхона комплекслари ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларнинг мавжуд эмаслиги маҳаллига ишлаб чиқарувчиларни ускуналарни хориждан келтиришга мажбур қилмоқда, бу эса уларга сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларга ҳамда катта миқдорда куч ва маблағ сарфлашга сабаб бўлмоқда.

Замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмлари самарадорлигининг пастлиги мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, мазкур соҳага инвестициялар жалб қилиш бўйича бизнес-лойиҳаларни кенг миқёсда амалга оширишга тўққинлик қилмоқда.

Иссиқхоналарда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик материалларини етиштириш йўлга қўйилмаганиги уларни хориждан импорт қилишга олиб келмоқда. Ресурс ва энергия тежайдиган технологияларга асосланган иссиқхона хўжалиқларини жадал ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмларини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида иссиқхона хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишнинг бутун занжирини ўз ичига олувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кластер шаклини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий қилиш;

(Давоми 2-бетда).



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР БАРЧА СОҲА РАВНАҚИДА УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов расмий таширф билан Тожикистон Республикасида бўлиб турибди.

Хамкорлик

Парламент қўйи палатаси Матбуот хизмати хабарига кўра, таширф давомида олий ва юқори даражадаги бир нечта учрашувлар ўтказиш, «Талко кабель», Нурек ГЭС каби корхоналар ҳамда бошқа объекتلарга бориш кўзда тутилган.

Душанбе шаҳрида Ўзбекистон парламенти қўйи палатаси Спикери — Тожикистон парламенти қўйи палатаси — Мажлиси намояндагон Мажлиси

Оли Раиси Шукуржон Зухуров билан учрашди. Икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва келгусидаги истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги муносабатлар охириг икки йилда жадал ривожланди, йиллар давомида ҳал қилинмаган муаммоларга ўзаро келишилган ҳолда ечим топилди. Фақатгина сўнгги бир йил давомида Тошкент ва Душанбе ўртасида қиймати 730 миллион долларлик 180 та келишув ҳамда шартномалар имзоланди. 2018 йилнинг дастлабки

олти ойида ўзаро савдо ҳажми уч баробарга кўпайди. Яқин орада бу кўрсаткич 500 миллион долларга етиши кўтилмоқда. Давлатлар раҳбарлари уни 1 миллиард долларга етказиш ниятида.

— Биз қўшничилик муносабатлари, албатта, ўз ҳолига қайтишига ишонар эдик, — дейди Тожикистон парламенти қўйи палатаси — Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раиси. — 2016 йилнинг декабрида ҳокимият тепасига келган Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев қўшнилари билан алоқаларни яхшилаш ташаббусини илгари сурди.



Президент таширфидан сўнг

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

инвестиция муҳити яхшиланиши натижасида кейинги икки йилда янги ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши

36 фоиздан 41 фоизга ошди.

Давлатимиз раҳбари қуйидаги йўналишларда топшириқлар берди:

- кўпроқ иш ўринлари яратиш;
- янги корхоналар ташкил этиш;
- мавжудларини кенгайтириш.

Кейинги пайтда Қорақалпоғистон Республикаси юқалиб бораётган саноат салоҳияти билан ҳам эътибор қозонмоқда. Чунки бу ерда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш баробарида, меҳнаткаш ҳамда фидойи одамлар ҳаётига янгича мазмун олиб кирапти. Энг асосийси, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги ортмоқда.

Дарҳақиқат, бугун дунё тан олган кўплаб хорижий

компаниялар Ўзбекистоннинг Шимолий минтақасига инвестиция киритишни фойдали ва муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблашади. Бинобарин, Оролбўйи чет эл ишбилармон доиралари вакиллари учун ишончли ҳамда жозибадор ҳудуд сифатида намоён бўлиб келмоқда. Бу ерда хориж сармояси иштирокида 109 та корхона фаолият юритаётгани бунинг аққол тасдиғидир.



НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни нефть-газ саноатидаги ишлар ҳолатини муҳокама қилиш ва соҳани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа нафақат энергия ишлаб чиқаради, балки кўплаб тармоқлар учун зарур бўлган полимерлар, органик қимёвий моддалар ҳамда азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё базаси ҳисобланади.

Кейинги икки йилда соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида газ қазиб чиқариш ҳажми 10 фоиз ортди, аҳолига табиий газ 15 фоиз ва суолтирилган газ 1,6 баробар кўп етказиб берилди.

Шу даврда нефтни қайта ишлаш заводларида қўшимча 204 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ички бозорда бензин, дизель ёнилғисига бўлган талаб қондириб келинмоқда.

Шўртан ва Устюрт газ-кимё мажмуаларида жорий йилнинг ўзида газга нисбатан қўшилган қиймати 4 баробар кўп бўлган қарийб 700 миллион долларлик полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади.

Нефть-газ соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2030 йилгача геология-қидирув ишлари олиб бориш, углеводородларни қазиб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 36,5 миллиард долларлик 30 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Углеводородлар захирасини кўпайтириш бўйича аниқ чоралар қўрилмаса, яқин 10 — 15 йилда мавжуд захира 2 баробарга қамаяди.

Шу боис йиғилишда «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамияти раҳбариятига геология-қидирув ишлари ва қазиб олиш ҳажминини ошириш, конларни модернизация қилиш ва янги-ларини очиш, нефть-газ хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, инвестицияларни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди. Жаҳон тажрибаси асосида бу ишларга инвесторларни кенг-роқ жалб этиш, давлат ва инвесторлар манфаатини ҳимоя қилишни таъминлайдиган янги механизмлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, 2017 — 2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олиш дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш ва уни молия-лаштириш бўйича жорий йил якунига қадар тақлифлар киритиш топширилди.

Магистрал газ қувурлари ва газ тақсимот тизимининг асосий қисми таъмирталаб ҳолга келган. Келажақда истеъмолчиларни қафолатланган табиий газ билан таъминлаш мақсадида магистрал газ транспорт тизимини модернизация қилиш ҳамда газ оқими-

ни бошқариш (SCADA) тизимини жорий этиш бўйича 1,6 миллиард долларлик лойиҳа амалга оширилади.

Бундан ташқари, газ тақсимот тизимини модернизация қилиш, газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш лойиҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Бунги кунда табиий газнинг атиги 2 фоизи чуқур қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олинаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу кўрсаткич 7 баробар ошириш имконияти бор. Шунинг учун «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамияти нефть ва газ қимёси йўналишига устувор аҳамият қаратиши зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, ароматик углеводородлар (бензол, толуол, ксилол), метанолдан олефин олиш технологияси асосида янги маҳсулотлар — полистирол, полиэтилентерефталат ва синтетик каучуклар ишлаб чиқариш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконияти мавжуд. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга 9 миллиард доллар атрофида маблағ жалб қилиниши лозим.

Шунинг учун Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ, Бирлашган Араб Амирикларидаги йирик компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Йиғилишда «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамияти бошқарув тизими мураккаб ва кўп поғонали бўлгани сабабли соҳада ислохотлар амалга оширилиши суҳт кечаётгани танқид қилинди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини оптимallasштириш, тармоққа оид бўлмаган ташкилотларни тизимдан чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, функциялари бир-бирини тақрорлайдиган бошқарув бўғинларини қисқартириш, тармоқдаги сервис корхоналари ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришларни давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларга бериш кераклигини таъкидланди.

Соҳада мавжуд тўртта илмий-тадқиқот, изланиш ва лойиҳалаштириш институтлари негизига миллий нефть-газ илмий-тадқиқот институтини ташкил этиб, углеводородларни чуқур қайта ишлаш бўйича инновацион ечимлар топиш ва татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИССИҚХОНА КОМПЛЕКСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

энергиянинг муқобил манбалари, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини яратиш;

иссиқхона комплексларини улар жойлашган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, тупроқ-иқлим шароитлари, етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги экинлари турлари, туташ инфратузилма ва логистика объектлари, ҳудудларнинг энергия ресурслари билан таъминланиш даражаси ва иссиқхона ҳўжалиги самарадорлигига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

бозор конъюнктураси таҳлили асосида ва қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган экологик тоза мева-сабзавот маҳсулотлари турларини кенгайтириш;

импорт қилувчи давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатиш ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш йўли билан мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти географиясини кенгайтириш ва ҳажмини қўлайтириш;

мазкур қарор талаблари асосида иссиқхона ҳўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат бозорида ушбу йўналишдаги малакали мутахассисларга бўлган талабни тўлиқ қондириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда **Замонавий иссиқхона комплекслари ташкил этиш бўйича истикболли лойиҳалар рўйхати** 1-иловага мувофиқ шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ҳафта мuddатда ёқилги ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар (мазкур қарорга 2-иловада келтирилган корхоналарни қўшган ҳолда) реестрининг шакллантирилишини; бир ой мuddатда ёқилги ёқиш йўли билан **иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар (биринчи навбатда, давлат улуши 51 фоиз ва undан юқори бўлган), муассасалар ва ташкилотларга туташ ҳудудларда замонавий иссиқхона комплекслари жойлаштирилишини**, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида таъминласин.

3. **Туташ ҳудудларда, биринчи навбатда, замонавий иссиқхона комплексларини жойлаштириш режалаштирилаётган иқтисодий тармоқлари корхоналарининг рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмуродовга кўрсатилган рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. **Ҳудудларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этишга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳлар** (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) ташкил этилсин ва уларнинг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйидагилар ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий иссиқхона комплексларини жойлаштириш учун ёқилги ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туташ ҳудудларда жойлашган бўш ер майдонларини аниқлаш;

замонавий иссиқхона комплексларини тез суръатларда ташкил этишда, уларнинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйишда тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий-техник қўмаклашиш.

Ишчи гуруҳлар раҳбарлари:

20 кун мuddатда хатлов натижалари асосида келгусида замонавий иссиқхона комплексларини жойлаштириш мақсадида ёқилги ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туташ ҳудудларда жойлашган **аниқ ер участкаларининг рўйхатини шакллантирсин**;

аниқланган ер участкалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда замонавий иссиқхона комплекслари ташкил этиш бўйича мажбуриятларни кўрсатган ҳолда электрон савдоларга қўйилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг 2019 йилда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан, мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун **Ҳаҳон банки, Осиё тараққийёт банки, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси**, бошқа халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг кредит линиялари ҳисобига **200 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳажмида маблағлар** жалб қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ж. А. Қўчқоров, С. Р. Холмуродов) икки ҳафта мuddатда, шу жумладан, мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича

лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадиган **тижорат банкларини аниқласин** ҳамда лойиҳаларнинг рентабеллиги ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили асосида уларни **амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**.

6. 2019-2020 йилларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар сони ва уларни амалга ошириш учун талаб этиладиган валюта ҳажмидан қатъи назар, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар бўйича фоизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўлаб беришнинг қўйидаги тартиби қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

айланма маблағларни тўлдиришга (уруғлик, қўчат, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, кўмир, кўмир брикети, суюқ ва ёқилгининг бошқа турлари ва ҳўжаларини харид қилишга) ажратилаётган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **25 фоизи** миқдорида, бироқ **5 фоизли пунктдан ортмаган** даражада;

энергиянинг муқобил манбаларидан (кўмир, кўмир брикети, суюқ ва ёқилгининг бошқа турларидан), энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш учун ажратилаётган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **50 фоизи** миқдорида, бироқ **10 фоизли пунктдан ортмаган** даражада.

Молия вазирлиги замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 2019-2020 йиллар давомида ўрнатилган тартибда ажратсин.

7. Юридик шахслар 2021 йил 1 январга қадар: замонавий иссиқхона комплекслари, уларнинг бутловчи қисмлари ва гофрланган картон идиш ишлаб чиқаришда фойда солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар ишлаб чиқаришни техник ва технология қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин;

замонавий иссиқхона комплекслари ва гофрланган картон идиш ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб қириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан озод этилсин (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари).

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини етиштириш бўйича **Бўҳоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида уруғчилик кластерларини** (кейинги ўринларда — уруғчилик кластерлари) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда яратилаётган уруғчилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорларини қабул қилсин, бунда уларнинг мазкур қарор билан белгиланаётган асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагилар аниқланишини назарда тутсин:

уруғчилик кластерлари жойлаштириладиган аниқ ер майдонлари;

уруғчилик кластерлари фаолиятини молиялаштириш манбалари;

маблағлар ҳажмини кўрсатган ҳолда уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун маблағ киритишга тайёр бўлган салоҳиятли инвесторлар;

уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари;

уруғчилик кластерлари фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш механизмлари.

9. **Қўйидагилар уруғчилик кластерларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:**

давлат ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, шу жумладан, ҳимояланган майдонларда, гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда техник, дон, дўппоқли дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш;

маҳаллий ва хорижий селекция навларининг мавжуд коллекцияси асосида ҳосилдорлиги ва сифати юқори, зарарқунданга ва касалликларга чидамли, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг навлари ва дўрагайларини етиштириш тизимини яратиш;

қишлоқ ҳўжалиги экинларининг янги навлари ва дўрагайларини яратиш бўйича илмий ва таълим муассасалари

билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришга қўмаклашиш;

уруғчилик соҳасида кадрлар малакасини оширишда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ва таълим муассасаларига шартномалар асосида амалий ёрдам кўрсатиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг сифатни назорат қилиш лабораторияси негизида Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича халқаро уюшмадан (ISTA) аккредитациядан ўтказиладиган, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан лаборатория амалиётининг халқаро стандартлари (GLP) бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган **қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларининг нав, генетика ва экиш сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича лаборатория** ташкил этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривоклантириш маркази **Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича халқаро уюшмага (ISTA)** аъзо сифатида киритилишини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда:

бирламчи материаллар ва донорлар тўпланишини, танланишини ўрганиш, шунингдек, мавжуд генетик ресурслар ва замонавий селекция усулларини қўллаш асосида иссиқхона ҳўжаликлари учун жаҳон бозори талабларига мос келадиган, мазали **сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги юқори янги навлари ва дўрагайларини** яратсин;

2019 йилдан бошлаб етиштиришнинг гидропоника усули қўлланиладиган иссиқхона комплекслари учун сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган, транспортда ташишга мўлжалланган, жаҳон бозори талабларига мос келадиган навлари ва дўрагайларини яратиш бўйича 5 йиллик давр учун **илмий лойиҳаларнинг республика грант танловларини** ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Самарқанд вилояти Самарқанд туманида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида юридик шахс макомига эга бўлган **қишлоқ ҳўжалиги ахборот-маслаҳат марказини (екстеншн марказини)** (кейинги ўринларда — марказ) ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой мuddатда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда марказ ташкил этилиши, жойлаштирилиши ва фаолияти самарали йўлга қўйилишини таъминласин.

12. Қўйидагилар:

а) марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб:

қишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги инновацион ишланмалар ва илгор тажрибани ўзлаштириш ҳамда жорий этишда қишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга қўмаклашиш; контингентга қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги инновацион ишланмалар ва илгор тажрибани ўргатиш мақсадида семинар, тренинг, конференция ва бошқа тадбирлар (шу жумладан, “дала кунлари”) ўтказиш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёр илмий ишланмалар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш;

б) марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб: фаолият соҳаси бўйича шартнома асосида бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда кредитлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳайрия эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиланмаган бошқа манбалар белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги 2019 йил якунига қадар дастлабки лойиҳа натижаларини таҳлил қилсин ва натижалари бўйича ижобий тажрибани бошқа ҳудудларда татбиқ этиш юзасидан тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб **“Иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш ва юритиш”, “Агрокимё ва агроупроқшунослик”, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш”** ихтисосликлари йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул квоталарини **камида 2 баробар** ошириш тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар **Ўсимликлар миллий генофондининг** иссиқхона комплекслари учун қишлоқ ҳўжалиги экинлари навлари билан бойитилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар **иссиқхона ҳўжаликларининг ягона маълумотлар базаси тўлиқ ишлашини ва уларда ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларининг тизимли ҳисоби юритилишини** ўз маблағлари ҳисобидан таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар қарантини давлат инспекцияси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш учун мазкур маҳсулотларни импорт қилувчи мамлакатларнинг, биринчи навбатда, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва Япониянинг карантин русхатини олишда тизимли асосда қўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига тўсқинлик қилаётган масалаларни тезкор ҳал этиш чора-тадбирларини, шу жумладан, музокаралар ўтказиш йўли билан амалга оширсин.

18. “Ўзэлтехсаноат” АҚ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2022 йил охирига қадар иссиқхона комплекслари учун циркуляцияон, тортувчи вентиляторлар ва бошқа ускуналар, асбоб ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги “Ўзбеккозиковқатхолдинг” ЖК манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иссиқхона комплекслари учун зарур бўлган ускуналар, асбоблар ва механизмлар рўйхатини “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясига тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси иссиқхоналар комплексларига талаб этиладиган ускуналар, асбоблар ва механизмлар ишлаб чиқариш учун “Ўзэлтехсаноат” АҚ томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатлари асосида чет эл инвесторларини жалб этсин.

19. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари

С. Р. Холмуродовга — ҳудудларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш, шунингдек, замонавий иссиқхона комплексларида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва салоҳиятли инвесторларни излаш бўйича вазирликлар, идоралар ва ишчи гуруҳлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири

И. Ю. Абдурахмоновга — уруғчиликнинг замонавий тизимини шакллантириш, бирламчи уруғчилик, янги ва истіқболли навларни синач билан шугулланувчи уруғчилик кластерлари, илмий-тадқиқот муассасаларуи ва бошқа корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири

Б. Т. Юсуповга — иссиқхона ҳўжалиги соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда тадбиркорлик субъектларига ахборот-маслаҳатлар билан қўмаклашиш, марказнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, ҳокимлар билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбирларни самарали амалга ошириш учун; **“Ўзэлтехсаноат” АҚ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А. А. Абдуллаевга** — иссиқхона комплекслари учун ускуналар, асбоблар ва механизмлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бир ой мuddатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З. Ш. Низоимиддинов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 20 ноябрь	

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР БАРЧА СОҲА РАВНАҚИДА УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА



Бугунги кунда авиакатновлар қайтадан тикланди, 30 кунлик визасиз режим жорий қилинди. Натижада шу йилнинг ўзида бир миллиондан зиёд Тожикистон фуқаролари Ўзбекистондаги қариндошларини йўллашга боришга муяссар бўлишди. Худди шундай ўзбеклар ҳам мазкур қулайликдан фойдаланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳамда Давлатлараро чегаралар делимитацияси ва демократияси масалалари бўйича Ҳукуматлараро комиссиялар ўз ишини давом эттирмоқда.

Н. Исмоилов ҳамда Ш. Зухуров икки мамлакат раҳбарларининг давлат таширфи давомида эришилган келишувларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан ҳамкорлик қилишга эътибор қаратишди. Уларнинг фикрича, парламентлараро алоқалар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида иқтисодий, гуманитар ҳамда ҳудудий ҳамкорлики янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Муниҳсон ҚАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТАГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси вакиллари навбатдаги йиғилишида кейинги йилда мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишини маълум қилди. Бу нима билан боғлиқ ва у қандай самаралар келтиради?

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маълумки, ўтган йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш, аҳолини сифатли дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш вазифаси парламент қўйи палатаси зиммасига юклатилган эди. Бу бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилди. Хусусан, жорий йил бошида Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди. Палатада ихтисослаштирилган илмий марказлар раҳбарларининг ахбороти эшитилди. Август ойда жойларда халқ депутатлари Кенгашларининг соғлом

турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш тарғиб қилиш бўйича сессиялари ўтказилди, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бироқ соҳада қутилган натижалар кўринмаётти, парламент назорати имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани кўзга ташланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидан сўнг, парламент қўйи палатаси депутатлик корпуси соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг бориши устидан парламент назоратини қучайтириш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди.

— Биз, депутатлар ҳудудларга борганимизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий ши-



фоҳоналарининг моддий-техника базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси бугунги кун талабига жавоб бермаслигига гувоҳ

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАЛАРИ



Айни пайтда Хитой, Россия, Қозоғистон, Буюк Британия, Корея Республикаси, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар инвесторлари Нукус шаҳри, ҳатто энг чекка овулларда ҳам ўз бизнесларини муваффақиятли йўлга қўйишган. Улар орасида хитойлик сармоядорлар кўпчилики ташкил этади. Ушбу давлат капиталли асосида қарийб 40 та корхона фаолият юритмоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларига ташқи бозорда ҳам талаб катта.

Шиддатли ислохотлар двигатели

Инвестицияни шиддатли ислохотларни ҳаракатлантирувчи двигателга қиёс-

иктисодий харитасида яқинда пайдо бўлган учта корхона қисқа вақтда ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш бўйича етакчилар сафидан жой олди. "Нукус полимер" масъулияти чекланган жамияти — улардан бири. Ушбу корхонада диаметри 16 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен ва полипропилен кувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ваҳолонки, илгари бу каби замонавий корхоналар ҳудудда йўқ эди. Эндиликда улар сони тобора кўпаймоқда.

Илгор ғоялар ва инновациялар

Ёши улуғлар яхши эслашади. Орол фожиасидан кейин ҳудуд аҳолисининг катта қисми иш қидириб бошқа вилоятларга, ҳатто хорижга ҳам чиқиб кетган. Малакали мутахассислар ўз би-

LD-телевизорлар, балки чангюткичлар йиғиш ўзлаштирилган ҳудуддаги биринчи ва ягона саноат субъекти ҳисобланади.

Унинг конвейеридан кунига 150 та телевизор ва 800 та чангюткич чиқади. Жамият директори Қозимбек Яминовнинг айтишича, амалиётга илгор ускуналар татбиқ қилинаётгани туфайли маиший техника воситалари учун зарур бутловчи ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш даражаси 45 фоизга етказилди. Унинг ҳамкори — масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Uz-Kor Gas Chemical" қўшма корхонаси эса ўз вақтида зарур хом ашё етказиб бераётди.

Хорижлик сармоядорлар қулай бизнес муҳитидан мамнун


Замонавий технологиялар шарофати билан масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Нукус электроаппарат" қўшма корхонасида йилга 250 та қуввати 6 кВт.дан 10 кВт.гача бўлган трансформатор нимстанцияларини тайёрлаш имконияти вуҷудга келди. Бундай маҳсулотнинг бозори эса қаққон. Жиззахда қад ростлаётган "Reugeot" ва "Citroen" бренди остида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш заводи ҳамда қўшни давлатлардаги ташкилотлар унинг буюртмачилари қаторидан жой олгани бунга мисолдир.

Ҳозир корхонада 90 дан ортиқ кишилар меҳнат қиляпти. Ёш мутахассислар Тошкентдаги "Ўзэлектроаппарат — Электрошит" ОАЖда малака оширгани айни муддао бўлмоқда. Лазер машинаси оператори Аскар Қўтимуратов улардан биридир. Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалини тугатган бу йигит мураккаб техникани бошқаришни тезда ўзлаштириб олди.

— Бизнинг жамоа яхлит механизмдек ишлайди, — дейди у. — Жамоавий ишда муваффақият қозониш ҳар биримизга боғлиқ эканлигини яхши тушунамиз. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фойдаланаман. Шу ўринда алоҳида айтишни истардимки, биз, ёш авлод вакиллари ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз, севган касбимизни эгаллашимиз, малака оширишимиз учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб бериляпти.

Қуни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга сафари чоғида икки ёшнинг бахт тўйига бориб, келин-қўёлар Султан Торонов ва Хурлиман Арзимовага янги уй қалитини топширди. Телевидениеда эфирга узатилган бу хайрли ишни кўриб, барчамиз хурсанд бўлдик.

Таъкидлаш керакки, минтақада ёш ва малакали мутахассисларга талаб юқори. Чунки чет эл инвестицияси иштрокида янги-янги корхоналар барпо этиляпти. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида хорижий сармоя ҳисобидан 27 та замонавий ишлаб чиқариш субъекти ташкил қилинди. Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа мам-



лакатларнинг ишбилармон доиралари томонидан қурилиш материаллари, тўқимачилик, саноат маҳсулотлари тайёрлаш, қизилмия илдинини қайта ишлаш лойиҳаларига маблағ йўналтирилмоқда. Хусусан, хитойлик тадбиркорлар шу мақсадларга 9,1 миллион АҚШ долларилек инвестиция ажратдилар. Бу ўтган йилдагидан сезиларли даражада кўпдир. Умуман олганда, Чин ўлкасидан келган ҳамкорлар кўмагида пайдо бўлган корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 124 миллион доллардан ошади.

— Биз ҳудудда анчадан бери қизилмия илдинини қайта ишлаш бўйича фаолият олиб борамиз, — дейди "Lanko Miya" компанияси вакили Чжоу Хайгао. — Чимбой ва Кегейли туманларида очилган корхоналарда 500 дан ортиқ кишилар меҳнат қиляпти. Маҳсулотнинг асосий қисми Хитой ва Европа бозорларига чиқарилмоқда. Бизнинг мамлакатда қизилмияни женьшень ўсимлиги даражасида қадрлашади. У нафақат доривор хусусиятга эгалиги, балки қандолат маҳсулотлари ва шоколад тайёрлаш учун муҳим хом ашё эканлиги туфайли ўта харадоргир саналади.

Япониялик сармоядорлар ҳам хитойлик ҳамкасблари қатори қизилмия илдинини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратаётди. Улар "Кайзен Техноложи" Ўзбекистон — Япония қўшма корхонасини тузишга бир миллион доллар йўналтиришни режалаштиришяпти. Бу ерда кунига 1300 килограмм тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

Хорижлик ҳамкорлар бошқа соҳаларга ҳам аҳамият беришмоқда. Масалан, қувайтлик инвесторлар келгуси йилда Нукусда картошка чипслари ишлаб чиқариш корхонасини қуришмоқчи. Айни чоғда шаҳарда меҳмонхона мажмуи ва Тахтақўпир туманида пансионат барпо этишга 20 миллион доллар сармоя киритиш ниятида. Соғломлаштириш масканида меҳмонлар ва ҳудуд аҳолиси ер остидан чиққан шифобахш минерал сув ёрдамида саломатлигини мустаҳкамлашлари мумкин.

Тараққиётга йўналтирилаётган инвестициялар

Бу каби ишлар давлат раҳбари томонидан халқ фаровонлиги ва мамлакатни гуллаб-яшнатиш йўлида олиб борилаётган бунёдкорлик тадбирларининг бошланиши, холос. Президентимизнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида яқин вақтда рўёбга чиқарилиши мўлжалланган қатор янги истиқболли лойиҳалар тақдим этилди. Хусусан, Кунчиқар юрт компанияларидан бири тез орада икки гектар майдонда қистанче етиштиришга киришади. Осиё давлатлари аҳолиси бу ўсимликни "чўлдаги ҳаёт илдизи" деб атайди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки чўл шароитида ўсадиган ушбу наботот турининг шифобахш хусусиятлари женьшенникидан беш баробар самаралидир. Япониянинг Ўзбекистондаги элчиخонаси томонидан маҳаллий ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқилган пилот лойиҳалардан бири Нукусни кўкаламзорлаштиришга қаратилган.

Жанубий Кореянинг "Хавчон Плант Констракшн" компанияси эса келгусида Қорақалпоғистонда замонавий цемент заводи ни барпо этади ва уни тўлиқ автоматлаштириб беради. 400, 500 ва 600 маркали цементнинг 70 фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилган.

— Жорий йил бошдан буён ҳудудга Хитой, Корея Республикаси, Япония, Қозоғистоннинг ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган йирик компаниялари вакиллари келди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг инвестиция ва туризм масалалари бўйича ўринбосари Бахитжан Хабидуллаев. — Уларнинг ичида Хитойдаги кўп тармоқли "Фэнь Ши", "Мин Дао" ва "Лэ Нун" масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналар раиси ҳамда таъсисчиси Ма Лумин ҳам бор эди. У Мўйноқ ва Тахиятош туманларига борди. Худудларнинг хом ашё имкониятларини ўрганган хитойлик делегация вакиллари қамишдан қоғоз тайёрлаш бўйича корхонага инвестиция йўналтиришга қарор қилдилар.

Узаро фойдала ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар Корея Республикасидан келган ҳамкорлар билан ҳам имзоланди. Улар Нукусда корейс тили ва техник ўқитиш таълим маркази очиш, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ва Жанубий Кореянинг "Назарет Интернейшнл Хоспитал" клиникаси ўртасида алоқалар ўрнатишга қаратилгани билан эътиборга лойиқ.

Қорақалпоғистонда корейс модели бўйича илк мактабгача таълим маркази ҳам очилади. Корея Республикасининг "Эвергрин" ва "Чунг Дизайн" компаниялари болаларнинг ҳар томонлама баркамол воғга етишлари учун барча шароит яратиб бериладиган боғча қурилиши ҳамда жиҳозланишига маблағ ажратишга тайёр турибди.

Хорижлик инвесторлар иштирок этадиган ана шу лойиҳалар ҳудуд иқтисодийтини янада раванк топтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад-муддао ҳам шу.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Дил сўзи

Президентимизнинг ҳудудларга амалга ошираётган ҳар бир ташрифи барча соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштиришга катта туртки бериши баробарида, одамларга кўтаринки кайфият бағишлаб, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига сафари ҳам юртдошларимизда фохр ва ифтихор туйғуларини уйғотди, чет эллик сармоядорларда эса катта таассурот қолдирди. Буни улардан айримларининг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

ЭРТАНГИ КУНГА ЮКСАК ИШОНЧ

Аскар ИНОҒОМОВ,
"Кантекс Инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:
— Президентимиз қаерда бўлмасин, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига амалий ёндашди. Корхонамиз ҳам шундай эзгу ёндашув ва ташаббус туфайли ташкил этилди. Йилга 11 минг тонна кала-ва ип ишлаб чиқаришга иштирослаштирилган корхонамизда айни пайтда дастгоҳларни ўрнатиш ва монтаж ишлари олиб боришмоқда. Насиб қилса, яқин кунларда 650 киши шу ерда меҳнат фаолиятга киришади.

Ниятимиз аниқ — маҳсулотларимизни тўлиқ экспортга йўналтириш.

Ўнгарбой ХОЛМУРОДОВ,
меҳнат фахрийси:
— Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ҳар сафар келганда, улкан янгиланишларни бошлаб бермоқда. Ёшу кекса билан дилдан суҳбатлашиб, дардини, истакларини эшитяпти. Асосийси, ҳар бир масалага ечим топиб бермоқда. Мана, яқинда амалга оширилган сафари чоғида ҳам нурунийлар билан суҳбатлашди, замонавий боғчани бориб кўрди, болажонлар даврасида уларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди. Худуд аҳолисининг эртанги кунини, фаровон ҳаётини қандай бунёд этиш, улкан режалар хусусида сўз юритди. Бундан беҳад мамнунмиз. Яқин йиллар ичида юртимиз катта марраларни эгаллаши мумкин.

Алибек САБУРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси инвестиция бўйича қўмитаси бўлим бошлиғи:
— Амалга оширилаётган ислохотлар самараси 2018-2019 йилларда Оролбўйида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мақсадида 4 триллион 530 миллиард сўмлик 318 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётганида яққол акс этиб турибди. Бу 7111 киши иш билан таъминланади, деганидир. Қаранг, 166 та лойиҳа жорий йилнинг охирига қадар рўёбга чиқарилади. На-тижада ҳудуд салохияти янада юксалади, аҳоли даромадлари яхшиланади, одамлар кайфияти кўтарилади.

Ғайратдин ХОЖАНИЗОВ,
Ўзбекистон Қайрамон:
— Юртбошимиз ҳар сафар Оролбўйига келганида одамлар билан самимий суҳбатлашиб, уларни ўйлантираётган масалалар ҳақида сўрайди. Муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ топшириқлар беради. Бу галги ташрифда ҳам шундай муҳит ҳукм сурди. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг қўлаб жойларига бўлиб, ҳудуд истиқболига, аҳоли ҳаётига дахлдор бир неча лойиҳа билан яқиндан танишди. Муҳим вазибалар хусусида қимматли тавсияларини билдирди. Қорақалпоқ эли ана шу сафар ҳақида тўқилганиб гапиряпти. Ўз навбатида, юксак муносабат ва ғамхўрликнинг масъулиятини дилдан чуқур ҳис қилишмоқда.

Субрата ДЕБ,
Германиянинг "Стручлер" компанияси вакили:
— Ўзбекистон тараққиёт йўлидан бормоқда. Иқтисодий йўналишдаги ислохотлар, хорижий инвесторларга яратилаётган имкониятлар ҳудудларда янги корхоналар ташкил этилишига асос бўлмоқда. Ҳамкорлигимиз ҳам шундай сый-ҳаракатлар натижасидир. Яъни Қонлиқул туманида замонавий корхона қуришмоқда. Унинг лойиҳа қиймати 38,52 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу кунларда дастгоҳларни ўрнатиш, монтаж ишларини олиб беришмоқда. Биз бу олижаноб мамлакатда, албатта, муваффақиятга эришамиз.



Султан Торонов ва Хурлиман Арзимова:
— Президент совғаси ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди, биз буни ҳеч қачон унутмаймиз. Келгусида ўз соҳамиз бўйича етук мутахассислар бўлиб, Ватан равнақи ва давлатимиз раҳбарининг юксак ишончини оқлаш йўлида шижоат билан меҳнат қиламиз.

лаш мумкин. Чунки янги қувватларни ишга тушириш ёки мавжудларини модернизация қилиш бўладими, саноат истиқболига қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларми — уларнинг ижроси бевоқифа жалб этилаётган инвестицияларга бориб тақалади. Бироқ сармоя ўз-ўзидан келавермаслиги оддий ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан иқтисодийётимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар замрида, аввало, қулай инвестиция муҳити яратиш мақсади муҳассамдир.

Президентимизнинг жойларда ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида ҳудудларга ташрифда айни шу масалага устувор аҳамият қаратиляпти. Натижада чекка қишлоқ ва овулларда замонавий саноат мажмуалари пайдо бўляпти. Охириги икки йилда Қорақалпоғистонда ҳаётга татбиқ қилинган инвестициявий лойиҳалар бунга яққол мисолдир.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қорақалпоғистон

лим ва кўникмаларини Ватанидан узок ўлкаларда қўллашига тўғри келган. Энди эса вазият тубдан ўзгарди. Илгор ғоялар, инновацион ишланмалар шу ерда амалиётга жорий этиляпти. Бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилаётди. Натижада авваллари одамлар тасаввурига симаган лойиҳалар реал ҳаётга татбиқ этиляпти. Қорақалпоғистонда замонавий телеви-зорлар йиғилаётгани ана шундай янгиликлар сирасига қиради.

Маиший техникалар ишлаб чиқаришга иктисослаштирилган ушбу корхонага кирар эканмиз, пешлавадаги ёзув эътиборимизни тортди. Унда мазкур завод Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилгани битилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхонани қуриш ғоясини айтганидан бор-йўғи саккиз ой ўтиб, миждозларга "Нукус Ревмаш" масъулияти чекланган жамиятининг дастлабки маҳсулотлари етказиб берилди бошланди. Кези келганда, таъкидлаш жоизки, у нафақат "Самсунг" бренди остида замонавий



ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Бола тарбияси ҳамма учун бирдек масъулиятли вазифа. Аммо битта туманда вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар умумий жиноятларнинг қарийб учдан бирини, яъни 38,3 фоизини ташкил этса, бунга ким жавоб беради? Энг ёмони, кўнглинлар масканларда тунги вақтларда вояга етмаган ўсмирлар бўлгани аниқланиб, уларнинг катта қисми мактаб ўқувчилари экани қайд этилса-чи?

Маҳаллий Кенгашларда

Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгазининг қўшма ййгилишида айни шу саволлар ўртага ташланди. Республика комиссияси ва 1-минтақавий ишчи гуруҳи аъзолари, сенатор ва депутатлар ҳамда

масъул идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида қатор долзарб масалалар муҳокама этилди. Жумладан, вилоятда жорий йилнинг ўтган ўн ойида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида амалга оши-

рилган ишларни ўрганиш натижалари таҳлил қилинди. Утган даврда ҳудудда бу йўналишда муайян сазй-ҳаракатлар қилинган. Профилактика ишлари доирасида вилоятнинг жиноят кўп содир этилган маҳаллалари танланиб, ушбу фуқаролар ййгинларини бу йўналишдаги намуна-

вий маҳаллага айлантиришга қаратилган "йўл ҳатталари" ишлаб чиқилган ва ижро этилмоқда. "Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати" тизими доирасида ваколатли давлат идоралари, маҳалла, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ёшлар ташкилотлари томонидан жиноятнинг туб сабаблари ва уларни келтириб чиқарган омиллар ўрганилиб, қайта содир этилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар, айбдорларга нисбатан қонун устуворлиги ҳамда жазо муқаррарлиги доирасида қатъий чоралар қўриллаётгани таъкидланди. Бироқ ютуқлар қаторида вилоятда айрим йўналишларда камчиликлар ҳам борлиги аниқланган. Хусусан, таҳлил

этилаётган йўналишда секторлар фаолияти ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмагани натижасида қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, одам ўлими билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси каби оғир жиноятлар сони Фарғона, Қўқон, Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ, Қува, Бувайда, Бағдод, Бешарик, Қўштепа, Тошлоқ, Сўх, Риштон, Фарғона, Фуқат туманларида ошган.

Бундай нохуш статистиканинг сабаблари таҳлил қилина экан, ақсарият ҳолларда жиноятлар содир этилишига оилавий муносабатларнинг кескинлашуви, фуқаролар иқтисодий аҳолининг ёмонлашуви, қолаверса, маҳалла ва

жамоатчиликнинг нотинч оилаларга нисбатан лоқайдлиги сабаб бўлаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, ййгилишда таълим муассасалари, Ёшлар иттифоқи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва бошқа мутасадди идоралар фаолияти ҳам қутилган натижаларни берилаётгани танқид остига олинди. Яқунда ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгазининг қўшма қарори қабул қилинди. Ййгилишда Республика комиссияси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИДА ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛанади

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: "Мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бунга амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак.

Ана шундай юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги типдаги мактаблар — Президент мактабларини ташкил этишни режалаштирганимиз".

Хушхабар

Давлатимиз раҳбари бу ишни Қорақалпоғистондан, Нукус шаҳридан бошлашни таъкиф қилди. Юртбошимиз ташаббусини барча қизгин қўллаб-қувватлади.

Хўш, Президент мактабларининг фаолият йўналиши қандай бўлади? Халқ таълими вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур мактабларнинг асосий мақсади мамлакатимизнинг ҳар бир

вилоятида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига керакли шароитлар яратишдан иборат. Бундай таълим муассасалари STEAM (Science (фан), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) фанларини ўқитишга ихтисослаштирилган бўлади. Яъни ушбу мактабларда ёшларга математи-

ка, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илгор таълим методологиялари асосида чуқур ўргатилади.

Президент мактабларида ўқувчиларни танлаш ва таълим сифатини таъминлаш учун уларни хорижлик мутахассислар бошқаради. Шу билан бирга, мактабга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этилади, уларнинг самарали фаолияти учун шарт-шароитлар яратилади.

Айни пайтда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Президент мактаблари фаолияти ва ўқувчиларни қабул қилиш масалаларини тартибга солувчи керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишлар бошланди. Мазкур ҳужжатлар ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ва қабул қилиш жараёнини белгилаб беради.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Дўстлик ришталари

Афғонистон Олий таълим вазирлигига 25 та автобус такдим этилди

Кобул шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 25 та автобусни Афғонистон Ислон Республикаси Олий таълим вазирлигига топшириш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, афғон халқига аталган туҳфани мамлакатимизнинг Афғонистондаги элчиси топширди.

Маросимда сўзга чиққан вазирлик ва идораларнинг расмий вакиллари Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари барча соҳада сезиларли даражада фаоллашгани, бу, аввало, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан

амалга оширилаётган очиклик ва қўшни Афғонистон билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати билан чамбарчас боғлиқлигини мамнуният билан қайд этдилар.

— Савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, Афғонистонга йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда қўмақлаштириш ҳамда уни минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларига жалб

этиш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистоннинг сая-ҳаракатлари юксак эътирофга лойиқ, — деди Афғонистон Ислон Республикаси транспорт вазирлиги Муҳаммад Ҳамид Таҳмасий.

Олий таълим вазирлиги Нажибулла Хўжа Омарий Ўзбекистон Президенти афғон халқига кўрсатилган юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб, ушбу сая-ҳаракат Ўзбекистоннинг Афғонистон халқига дўстона муносабатининг ёрқин намунаси эканлигини билдирди.

— Биз халқимизнинг эҳтиёж ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қўшаётган ҳиссаси учун Ўзбекистон томонига чин дилдан раҳмат айтмиш, — деди Афғонистон молия вазирлиги ўринбосари Абдулла Рақибий. — Ўйлаймизки, икки томонлама муносабатларимиз бундан кейин ҳам барча соҳада изчил ривожланиб, раванқ топиб бораверади.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг 6 ойи давомида

1 триллион 460 миллиард

сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,1 фоиз ўсганини кўрсатади.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИДА 30 ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Лекин бу кўрсаткич янада юқори-роқ бўлиши ҳам мумкин эди. Қачонки, эски тизимдан қолган тартиб-таомиллар билан эмас, балки замон талаблари асосида иш юритилганида вазият бошқачароқ тус оларди. Биргина мисол, юртимизда қурилиш соҳасида собиқ тузумдан мерос қолган, яъни 1964 йилдан 1979 йилгача ишлаб чиқилган 337 та, жами 465 та қурилиш талаби бор экан. Яна бир мантиқсиз қоидага эътибор беринг, аҳоли яшайдиган иморатлар шаҳарларда 4 қаватдан, қишлоқ жойларда эса 2 қаватдан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Табиийки, бунга ҳеч қандай амал қилмай қўйган. Лекин ушбу талаб қозғоларда қолиб кетганди.

Қурилиш қилиш учун рўқсат олишда ҳам худди шундай инновацион ғоя ва янги технологияларни қўллашга имкон бермайдиган, соҳа ривожини ортга тортадиган қоидалар сақланиб қолган эди. Оқибатда мамлакатимиз "Қурилишга рўқсат бериш" халқаро индексида 190 та давлат орасида 134-ўринга тушиб қолди.

Президентимизнинг "Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тизимда тўб ўзгаришлар ясаيدиган ҳужжат бўлди.

— Охириги 30 — 40 йил ичида бундай ҳужжат қабул қилинмаган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими Илҳом Тоғаев. — Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тамомла эскирганди. Фармон билан мамлакатимизга замонавий технология ва қурилиш материаллари жалб қилинади, биноларимиз қиёфаси бутунлай ўзгаради. Шу боис ҳам уни тарихий ҳужжат, дейиш мумкин.

Хусусан, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар соҳибига қўйиладиган объектлардан ташқари, барча лойиҳанинг смета қисми мажбурий экспертизадан ўтказилади. Қурилиш битказилган объектлар қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, кадастр органлари, буюртмачи, пудратчи (бош пуд-

ратчи) вакиллари иштирокида фойдаланишга қабул қилинади. Пудрат ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида консорциум ташкил этилиб, унинг қатнашчилари зиммасига лойиҳани "fast-track" усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан қуриб битказиш талаби қўйилади.

2019 йил 1 январдан бошлаб эса лойиҳалаш ҳамда қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган ҳуж-

2019 йил 1 мартдан қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси томонидан амалга оширилади. Объектларни қурилишнинг барча босқичида лойиҳа муаллифи ҳамда буюртмачи томонидан тегишли равишда ёки сертификатланган экспертчи жалб қилган ҳолда муаллифлик ва техник назоратни ўтказиш мажбурий қилиб белгиланди.

2020 йил 1 январдан уй-жой қурилиш объектлари лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида энергия тежайди-

2019 — 2021 йиллар давомида қурилиш соҳасидаги 465 та миллий норма ҳамда талаблар қайтадан ишлаб чиқилади ва хорижий стандартларга мослаштирилади



жатлар расмий тан олинмайдиган бўлди. Қурилиш учун ер участкалари ўз вақтида ва тўғри ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари учун тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари шахсий жавобгар қилиб белгиланди. Қурилиш учун ер участкалари ўз вақтида ёки нотўғри ажратилиши натижасида етказилган зарар эса маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қопланади. Бу маблағлар кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибда ундириб олинади.

Фармонга асосан, қурилиш соҳасида фаолият юритишга рўқсат бериш талаблари ҳам ўзгаради. Яъни

ган усқуналар билан мажбурий тартибда жиҳозланиши лозим. Шунингдек, объектларнинг фойдаланишга қабул қилинганга қадар энергетик аудит паспортини олиш талаби ҳам қўйилмоқда.

Яна бир янгилик шуки, эндиликда

Қисқаси, Фармондан ўрин олган кенг қўламли чора-тадбирлар мамлакатимиз қурилиш соҳасини халқаро талаб ҳамда қоидаларга уйғунлаштириш, бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган бунёдкорлик ғояси "Обод қишлоқ" дастури кўринишида Навоий вилоятининг саккизта ҳудудида истиқомат қилаётган 67 минг 340 нафар аҳоли ҳаётида ифодасини топмоқда. Унга биноан, 16 та қишлоқдаги 11 372 хонадонда ободонлаштириш ишлари бажарилиши, 146 километрлик электр, 136 километрлик газ, 155 километрлик ички йўл,

138,7 километрлик ичимлик суви тармоғи, 68 та ижтимоий соҳа, 57 та инфратузилма объектида таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шу мақсадда бу қишлоқларда бош режа ишлаб чиқилди. Олиб борилган кенг қўламли юмушлар туфайли мазкур масканлар мутлақо янги қиёфа касб этаётир.

ГЎЗАЛ МАНЗИЛ МАНЗАРАЛАРИ



Нурота туманидаги Чуя қишлоғи шундоқ Оқтов этагиде жойлашган. Дастур асосида бу ердаги 2 та умумтаълим мактаби таъмирланди, тиббиёт муассасаси реконструкция қилинди, спорт майдончаси, гўзаллик саломи, маҳалла гузари, ҳаммом, бозор, тўйхона, сўнғий қопламали футбол майдончаси ҳамда 8 та савдо дўкони бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Марказий кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

— Қишлоғимиздаги коллеж-ни инobatга олмасак, сўнгги

Чуя қишлоғида

- ✓ 436 та тураржой,
- ✓ 21,7 км. электр,
- ✓ 0,9 км. ичимлик суви тармоғи,
- ✓ 14,6 км. ички йўлда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиди.

йигирма йил ичида бирорта ҳам кўзга кўринадиган иншоот қурилган эмасди, — дейди меҳнат фахрийси Убайдулла Иброҳимов. — Аксига олиб богча ва шифохона каби муассасалар ёпилиб кетди. Йўл қурилиши нари турсин, қачон охириги марта таъмирланганлигини ҳам эслай олмаيمиз. Қишлоқда бунёдкорлик ишлари баробарида, ижтимоий ва профилактика тадбирлари ҳам катта эътибор берилди. Масалан, муқим иш ўрни бўлган 100 кишининг бандлиги таъминланди, 3 минг 428 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, 6 нафарига даволаниш учун имтиёзли йўланма берилди.

Шуларга мос ҳолда оилавий ва яқна тартибдаги тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 кишига 519 миллион сўмлик микрокредит маблағлари ажратилди.

Учқудуқ туманидаги Қулқудуқ овули ҳам қисқа фурсатда шундай кўркем ман-

зилга айланди. Вилоят марказидан анча олисда жойлашган ушбу ҳудуддаги 130 та уй-жойнинг барчаси ободонлаштирилиб, меъморчилик

Қулқудуқ овулида

- ✓ 58 кишининг бандлиги таъминланди.
- ✓ 27 фуқарога тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 257 000 000 сўм микрокредит берилди.

талабларига мослаштирилди. Шунингдек, 2 км. ички йўл, 15,5 км. электр, 5,5 км. ичимлик суви тармоғида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Қишлоғимизда мактабгача таълим муассасаси очилиши, биз, оналарга катта қулайлик яратди, — дейди "Қулқудуқ" овул фуқаролар



Утемурат қишлоғида

- ✓ 101 уй-жой таъмирланди, кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

ташқил этилди. Аҳолига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан 18 нафар фуқарога 112 млн. сўмлик микрокредит ажратилди.

Шу боис "Обод қишлоқ" дастури доирасида мазкур масканларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тақдироти ҳамда янги уйлар ва объектларнинг очилиш маросимлари ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. Худайбергенов иштирок этди.

Темур ЭШБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Муаллиф олган суратлар).

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқувлар 71-232-11-15.



Таҳриратга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазкунда берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Набатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6